

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14048444>

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Худойбергенова Патма Тошполатовна

Тошкент Давлат стоматология институти “Ижтимоий фанлар
биоэтика курси билан ”кафедраси доценти

Қадрият бу - миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini белгилаб берувчи муҳим омилдир. Бизга маълумки ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятлар силсиласи мавжуд бўлиб, у халқнинг кўзгуси ҳисобланади. Шунинг асосида миллатнинг турмуш тарзида, маданияти ва маънавиятида, онги-шуурида, ўзаро мулоқотида акс этиб, ўз ифодасини топади. Қадриятлар ҳар бир халқнинг қон-қонига сингиб, инсоният учун муҳим аҳамият касб этади ва шу тариқа, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилувчи, шу тўғрисида улар томонидан қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисаларидир. Қадриятларни жамият, миллат ҳаётидаги ўрни, ижтимоий характерига қараб қуйидаги: Миллий; Диний; Минтақавий.

Ўз пайтида Гегель, шахснинг турмуш тарзи, ҳаёти антик даврдагидек унинг «ички дунёси» орқали эмас, балки «у яшаётган доирадаги ҳукмрон ташқи ҳаётнинг тартиблар, ташқи муҳит орқали кечади»,¹ деб ёзган эди. Шахснинг қайси миллат ва жамият вакили сифатида шаклланиши, у ёки бу қадриятларни ўзлаштириши, ҳаёт тарзини қабул қилиши ижтимоий ташқи муҳитга, унинг таъсирига боғлиқ. Айнан ижтимоий таъсир шахснинг ҳам индивидуаллашувини, ҳам ижтимоийлашувини белгиловчи «қонуният»дир.² Агар ушбу «қонуният»ни турмуш тарзига, шахс билан жамият ўртасидаги муносабатлар диалектикасига тадбиқ этиш жамият, ташқи муҳит : а) қандайдир объектив ва субъектив белгилари, мезонлари билан индивиддан фарқ қилиши; б)

ўзига хос норма, эталон, образ сифатида таъсир қиладиган механизмларига ҳамда ; в) ўзининг стратегик мақсадларига, режалари ва уларни амалга ошириш йўлларига; г) шахсга, унинг ҳаёт тарзини шакллантириш, бошқариш, прогнозлаштириш имкониятларига, механизмларига эга бўлиши зарур.¹ Ушбу шартлардан бирортаси бўлмаса ёки улар шахсга, унинг турмуш тарзига таъсир қилиш имкониятларига эга бўлмаса, шахс турмуш тарзининг шаклланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Масалан, ижтимоий муҳит шахс турмуш тарзидан миллий ёки умуммиллий манфаатларга хизмат қилувчи давлат, армия, ижтимоий-педагогик институтлар, миллий кадриятларни асровчи ва тарғиб қилувчи жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларига эга эканлиги билан фарқланади. Жамиятнинг ривожланиш боскичларида, инсонлар ижтимоий ходисаларга турли хил муносабатда бўлиш асосида уларнинг дунёкараши, яшаш тарзи, менталитети шаклланади. Миллий кадриятлар миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иктисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча томонларини камраб олади.

Миллий кадриятларимиз умуминсоний кадриятлар билан ҳам чамбарчас богълик. Умуминсоний кадриятлар кўлами ва мазмуни жихатидан чуқур ва кенг камровли бўлиб, барча миллатлар, элатлар ва халкларнинг мақсад интилиширини ўзида мужассамлаштирган. Миллий кадриятлар, умуминсоний кадриятлар билан канчалик кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг ривожланишига, оммалашишига кенг имконият яратади. Умуминсоний кадриятлар тизими инсоният тамаддунининг тараққиёти билан богъликлиги ва умумбашарий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Булар: Инсон ва унинг кадр-киммати ардокланишини, барча миллат ва элатлар тинч -тотувлик асосида ўзаро ҳамкорликда яшаш, моддий ва маънавий бойликларни асраб-авайлаш, илм-фан ривожига хисса кўшиш, тинчликни саклаш, генотсидга нисбатан нафрат, киргъин курулларини тўхтатиш, табиатни муҳофаза қилиш қабаларни ўзида

намоён этади. Юкоридагилардан кўриниб турибдики, Умуминсоний кадриятлар биз истикомат киладиган курраи заминда яшаётган барча миллат ва элатларнинг манфаатларини химоя килади. Шунингдек, инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказишни назарда тутди. Бу умуминсоний кадриятларнинг бош мезонидир.

Ислом одам туғилганидан бошлаб, унга исм қўйиш, уни соғлом, мукаммал парваришлаш, таълим-тарбия бериш, тоза-покиза, софдил ҳаёт кечириши (тахорат талаблари, рўза, Ҳаж, закот, иймон, калимаи шаҳодат ва ҳ.к.), вафот этгач эса уни муносиб дафн этиш (жаноза, кафан, таъзия, тиловат, фотиҳа, турли йиғинлар ўтказиб эслаш, хотирлаш, унутмаслик ва ҳ.к.), тоза-пок ва ҳалол оиланикоҳ муносабатларни, инсон ҳаётининг бошқа барча соҳа ва йуналишларида соғлом, ҳалол ҳаёт кечириш, инсонни ўзига бўлган ҳурмат иззати, икромидунёга бўлган умиди ва фаоллиги, юксак иродалилиқ, ҳаётни севиш, кадрлаш, комил инсон бўлиб етишиш тизимини яратди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Имом Бухорий. Ҳадис 1-V жилдлар.- Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1992; Абу Исо ат-Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. Т.:Адолат,1993; Ахлоқ-одобга оидҲадис намуналари. -Т.: Фан, 1990.

2. Худойбергенова, Патма Тошпулатовна. "КАЧЕСТВА НЕОБХОДИМЫЕ ДЛЯ ВРАЧЕЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ДОВЕРИТЕЛЬНОГО ОТНОШЕНИЯ ПАЦИЕНТА К ВРАЧУ." *Новости образования: исследование в XXI веке* 1.5 (2022): 646-648.

3. Худайбергенова, Патма Ташпулатовна. "ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ." *Гуманитарный трактат* 33 (2018): 28-30.

4. Умарова, Дилорам Арифовна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "РОЛЬ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ ГУМАНИЗАЦИИ МЕДИЦИНЫ." *Гуманитарный трактат* 97 (2020): 25-28.
5. Худойбергенова, П. Т. "ЎЗБЕКОНА ТУРМУШ ТАРЗИДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ." *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика* 2.11 (2023): 51-55.
6. Худойбергенова Патма Тошполатовна ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ДАВРИДА ТУРМУШ ТАРЗИДАГИ МУАММОЛАРИ, BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI Jild: 04 Nashr: 10 | Oct – 2024 ISSN: 2181-2608,151-154 бб.
7. Худойбергенова, П. Т. "БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЭГАЛЛАШДА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КИЛИНАЁТГАН МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.2 (2023): 683-687.